

## Педагогик касбий компетентликни шакллантиришда маданий компетенциянинг роли ва мазмуни

*Абдураҳмонова Шарофат Баҳромали қизи*

ТошДЎТАУ таянч докторанти

[sharofatabdurahmonova@gmail.com](mailto:sharofatabdurahmonova@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада маданий компетенция истилоҳи ва мазмуни хусусида сўз боради. Културологик ёндашувнинг аҳамияти ва унинг бугунги кун адабиёт фани ўқитувчилари касбий лаёқатини шакллантиришдаги роли борасидаги баҳсли қарашлар ўз ифодасини топган. Янгича педагогик технологиянинг бошқа педагогик ёндашувлардан фарқли ва муҳим жиҳатлари мисоллар асосида ёритилади.

**Калит сўзлар:** маданий компетенция, касбий лаёқат, културологик ёндашув, истилоҳ, педагогик тафаккур, инновацион ёндашув, шахсий маданият, адабий контекст, адекват, моделлаштириш.

Ҳозирги ривожланиб бораётган глобал шароитда ривожланаётган шахс тушунчаси тобора ўз моҳиятини кенгайтириб бормоқда. Ҳусусан, бу ҳол сўнгти вақтларда замонавий таълим тизимида мутахассисларнинг касбий компетентлик сифатлари билан бир қаторда маданий компетенция атамаси ҳам кўлланилиб келинаётганида кўринади. Бугунги кунда замонавий мутахассисининг идеал қиёфасини қандай тасаввур қиласиз. “Мутахассиснинг яхлит қиёфаси – маданиятли шахс, эркин, маънавий бой, ижодий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ахлоқий тартибга солиш ва ўзгарувчан ижтимоий-маданий муҳитга мослашиш қобилиятига эга бўлган шахс”dir, дея таъкидлайди В. Медеведова.

Ҳар қандай халқнинг ижтимоий муносабатларидағи ўзгаришларни баҳолашда бевосита ўша миллатнинг ижтимоий-маданий тарихи билан боғлиқ ўтмишига мурожаат қилинади, бу эса ўз навбатида уни ўзлаштираётган мактаб ўкувчиларидан мазкур халқларнинг миллий маданияти билан бир қаторда умуминсоний културологияси билан боғлиқ жиҳатларини ҳам параллел тарзда ўрганишини тақозо этади. Бундай шароитда педагогик жараённи яхлитлашга хизмат қиладиган ва педагогик тафаккур майдонининг ёқорилашувига йўл очадиган янгича ёндашувга эҳтиёж сезилади. Янгича педагогик

инновациялардан бири бўлган қултурологик таълим биз юқорида эътироф этган муаммоларнинг негизини очишда ва миллатларнинг бой маданий тарихига оид манбаларни чуқур ва тўғри таҳлил қилишда қўл келади. С.Н.Батракова қултурологик ёндашув хақида шундай дейди: “Бу ёндашув замонавий фан ва маданиятнинг ривожланиши контекстида ва йўналишида ривожланмоқда, бу эса бевосита инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни назарда тутади. Педагогик жараённи тушунишга қултурологик ёндашув янги техникалар масаласи эмас, балки биринчи навбатда ўқитувчининг дунёқарashi, унинг педагогик воқеликларни услубий тушуниши ва унинг касбий шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ёндашув туридир”. Қултурологик ёндашувнинг асл моҳтияти инсонпарварликка оид умумбашарий билимларнинг негизиги очишга қаратилган педагогик жараёндир, қолаверса, унга инсонни, унинг борлигини ва уни ўрганишнинг энг қулай воситаси деб қарап хато бўлмайди.

Қултурологик ёндашув ўз олдига ўқувчиларнинг таълим жараёнида турли фанларни ўрганиш мобайнида ўрганилаётган ҳалқнинг бой ҳаётий тажрибаси, маданий мероси ҳамда адабиётдаги бадиий жозибасининг атрофга бераётган маънавий-эстетик таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олади. Ушбу шароитда фан ўқитувчиси фанга доир билимлар ва касбий лаёқати билан бир қаторда маданий компетенцияга ҳам эга бўлиши зарур ҳисобланади.

Таълим тизимида қултурологик ёндашувдан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзга ҳалқлар маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўз ҳалқининг қултурологияси билан солиштириш асносида ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатларни ўзлаштириши, уларни катта майдонда – кенг ижтимоий-тарихий контекстда ўрганиш орқали бадиий яратиқнинг туб моҳиятини даражасида идрок этиши ва шу англам воситасида борлиқнинг нафис жозибасини ҳис этиш, бу орқали эса маънавий баркамол шахс сифатида шаклланишига йўл очишни кўзда тутади.

“Маданий компетенция бу – ўқитувчи шахсининг интеграцион сифати, бадиий асарларни адекват идрок этиш, уларга мустақил баҳо бера олиш, маънавий-маърифий қобилиятлардан фойдаланиш маҳорати”[Медведова В. 21]дир.

Ушбу компетенция адабиёт ўқитувчисидан ўрганилаётган ҳалқнинг миллий ва ижтимоий-маданий ўзига хослигидан хабардор бўлишлигини кўзда тутгани ҳолда мазкур ҳалқнинг индувидуал хусусиятларни оча билиши ҳамда бадиий жозибасини ўқувчиларга етказа билишига қаратилган педагогик лаёқатдир.

“Културологик ёндашувдан фойдаланиш, - дейди културолог олим И.Ходякова, - мактаб ўқувчиларини ахлоқий ва эстетик тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларни ривожлантириш, дунёқарашини шакллантириш ва шахслик сифатларининг ривожланишига йўл очади”. Бинобарин, културологик ёндашув бадиий адабиётнинг маданий жиҳатларини очиш билан бир қаторда кишиларнинг маънавий културал қиёфасининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, педагогик фаолият тизимида ўқитувчининг когнитив баҳолаш самарадорлигининг ошишига хизмат қилибгина қолмай, балки ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлик муносабатларининг бирлашишига, педагогик жараёнда маънавий сифатнинг фаолроқ намоён бўлишига йўл очади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Yo‘ldosh Q., Yo‘ldosh M. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. Filologiya va tillarni o‘qitish mutaxassisligi bo‘yicha bakalavr yo‘nalishi talabalari uchun darslik. –T.: 2022.
2. Доманский В.А. Культурологические основы изучения литературы в школе. Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук. Томск. 2000.
3. Махинько Л.Н. Системно-культурологические основы школьного краеведения (на материале Санкт-Петербурга). Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Санкт-Петербург. 1999.
4. Медведова В.В. Развитие культурологической компетенности преподавателя русского языка и литературы в системе повышения квалификации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Шуя. 2011.
5. Силичев Д. А. Культурология. Учебн. Пособие для вузов. –М.: «Изд-во ПРИОР», 2001.